

Биржанинг электрон савдо тизимларининг фавқулодда вазиятлар ҳолатида узлуксиз ишлашни таъминлаш бўйича

Йўриқномадан қисқача кўчирма маълумот.

Йўриқнома қуйидаги ахборот тизимларига тегишли:

avtoraqam.uzex.uz; mobilraqam.uzex.uz, shop.uzex.uz; eshop.uzex.uz;
milliydokon.uzex.uz; emilliydokon.uzex.uz; dxarid.uzex.uz; exarid.uzex.uz;
yarmarka.uzex.uz.

Йўриқнома ахборот характериға эға.

Фавқулодда вазиятларға қуйидагилар киради:

электрон савдо тизимидаги, жумладан, тизимини қўллаб- қувватловчи маълумотлар базалари ёки техник аппарат воситаларидаги носозликлар, техник узилишлар;

электрон савдо мижозларининг гаров маблағларини банд қилиш ёки банддан ечиш, пул маблағларини ўтказиш жараёнидаги техник узилишлар;

мижозларнинг avtoraqam.uzex.uz савдо тизимида иштироки вақтида Uzcard ёки бошқа тегишли тўлов тизимларининг транзакциялар ва Биржа билан ўзаро алоқаларидаги узилишлар;

савдолар вақтида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки алоқа тизимларининг узилишлари ва натижада Биржа филиаллари орқали брокерларнинг савдоларда қатнашиш имконини бўлмаслиги;

биржаға хизмат кўрсатувчи банк тизимининг, жумладан, Марказий банк тизимидаги узилишлар билан боғлиқ бўлган узилишлари ва носозликлари;

биржа серверида UPS ёки генератор ишламай қолиши сабабли электр энергияси таъминотининг узилиши;

биржа филиалларида UPS ёки генератор ишламай қолиши сабабли филиалларда электр энергияси таъминотининг узилиши;

электрон савдо иштирокчиларига савдоларда иштирок этиш учун талабнома бериш имконини бермайдиган бошқа ҳолатлар.

Савдоларнинг қайта тиклаш (узайтириш) вақти:

shop.uzex.uz, eshop.uzex.uz ва КЯС ахборот тизимларида – савдо қайта тикланганлиги тўғриси вебсайтда хабар берилгандан сўнг 4 соатдан кам бўлмаган муддатда;

avtoraqam.uzex.uz, mobilraqam.uzex.uz, dxarid.uzex.uz ва exarid.uzex.uz ахборот тизимларида - савдо қайта тикланганлиги тўғриси вебсайтда хабар берилгандан сўнг 12 соатдан кам бўлмаган ва Биржанинг иш кунига тўғри келадиган муддатда. Қабул қилинган чоралар тўғрисида қўшимча маълумотлар, юзага келган фавқулодда вазиятлар асосида эълон қилинади.